



Мустақиллик сизга нима берди?  
Сиз мустақилликка нима бердингиз?  
ИСТИҚЛОЛ АНКЕТАСИ

# ХУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ  
ГАЗЕТА

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади

1999 йил 1 - 7 сентябрь

35 (137)-сон

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!  
Хурматли меҳмонлар!  
Авалло барчангизни энг улуг, энг азиз айём - Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Аждодларимиз асрлар давомида орзу-умиди билан яшаган озодлик ва эркинлик дари ҳалқимизга қанот бағишладди, унинг мудраб ётган салоҳияти ва куч-қудратини намойиш этишга имкон берди. Хеч шубҳасиз, шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихий бир масофани босиб ўтди.

Бунинг тасдиғи олдин ўзимизга тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган тараққиёт йўлида, ислохотлар йўлида, янгилик йўлида эришилган ютуқларимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Авалло юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ҳечрасини тобора очиб бораётган қурилишларда, кенг ва раван йўлларда;  
Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга улкан ҳисса қўшаётган янги-янги тармоқ ва ишчиотларда, замонавий технологиялар билан қурилган йирик корхоналарда;  
Халқро майдонда мустақил Ўзбекистон қўяётган қадамларда, унга нисбатан ҳурмат ва эътибор ўсиб бораётганида бундай ўзгаришларни яқол қўриш мумкин.


Бизнинг юксалиб бораётган куч-қудратини, салоҳиятини дунё спорт майдонидида қўйётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намойиш бўлмоқда.

Айтинглари, ўзингизга бир тасаввур қилинлар, азиз юртимизнинг, узоқ Америка заминидида кунча эришган ютуғимиз - бир йўла икки ўзбек пахлавони - Уткир Хайдаров ва Махамматқодир Абдуллаевлар миллимиз, халқимиз куч ва маҳоратини кўрсатиб, бокс бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганини бир

неча йил олдин ҳаёлимизга келтириш ҳам қийин эди.  
Амир Темур бобомизнинг чўқур маъно-маъмули иборасини қўлаб: "Кимки бизнинг куч-қудратимизни билмаскин бўлса, Ўзбек пахлавонларининг жаҳон спорт майдонларида эришган ютуқ-зафарларига эътибор берсин, англаб олинсин", деб буғун баралла айтишимиз мумкин.  
Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиликнинг энг эркин намунаси - бу жамиятимизнинг мафқурасида, кенг омма дунёқаршида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг оғу шуғурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий сил-жишлар, ўзгаришлардир.  
Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдиқ?  
Бугун бир эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз кадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуг зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий гуруру ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам қўётган буюк ҳалқимиз.  
Ота-боболаримизнинг ҳаётбахш ўғиллари, умумбаъдан йиллардан, юксак маънавий руҳ асосида бирлашган, янги эзгу мақсадларга интилган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, аниқ ва равшан ислохотлар йўлидан бораётган қўл йўлидан.

Бу - ҳақиқат. Бу ҳақиқатни ҳозиргача англамаган ёки англашни хоҳламайдиган, озодликимизни, истиқлолимизни кўролмайдиган, ҳали-хануз хомаҳаблда юрган баъзи бир ганимларимиз эшитсин, қулоғига қўйиб олсин: Оллоҳ назари тушган эл-юртимизнинг олдинга юришга, тараққиёт йўлига, тўқ, эркин яшайдиган мамлакатлар қаторида тинч-тотув ҳаёт қуришига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайд.

Азиз юртдошларим!  
Биз адолатли ва матрифатли демократик жамият барпо этишни ўзимизга олий мақсад қилиб белгилаб олдик.  
Буюк орзуларга етиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп тўсиқ ва фовларни енгиб ўтишимизга тўғри келади.  
Бундай мақсадларга етиш учун барчамиз бутун борлигимизни, Оллоҳ берган ақл-заковатимизни, куч-қудратимизни давлатимиз, миллатимиз манфаати учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, унинг халқро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш учун сафарбар этишимиз керак.  
Хар биримиз, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун, эл-юрт тараққиёти ва истиқлоли учун нима қилмоқдаман, мустақилликимизни мустақкам қилишга қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган тўғру билан яшашга эришмоғимиз даркор.  
Аваллабор бизнинг таянчимиз ва сунъимиз, умидимиз ва келажагимиз бўлиши фарзандларимизни, ёш авлодимизни шу тўғру ва шу мақсад руҳида тарбиялашимиз ҳам қара, ҳам фарздор.  
Уларни миллий ва умуминсоний қадрларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарварлар этиб воғга етказиш - барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.  
Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат - кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз - яққо ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ота этилган. Мана шу улуг тўғру хар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз маъмунига айланиши лозим.  
Қадрли юртдошлар!  
Бизнинг тараққиёт топан давлатлар, маърифатли дунё билан бирга яшашимиз, ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини кунайтиришимиз бугун ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.  
Биз барча мақсад ва ютуқларимизнинг заминни бўлмиш юртимиздаги тинчлик, осей-



Ўтган кунни Самарқандда "Шарқ тароналари" Иккинчи халқро музика фестивали якунланди. Фестивалнинг энг олий мукофоти - Гранприга ўзбекистонлик ҳушвоз хонанда Насиба САТТОРОВА сазовор бўлди!

Суратда: фестивалдан лавҳа.

## ТЕР ТЎКСАНГ ГОЛИБ БЎЛАСАН

"Журналист учун энг ёмони - ялтоқлик", деди устозлардан бири

### ЯКУН

Газетамизнинг ўтган сонидида "Энг улуг, энг азиз" танловининг бу йилги гўлиблари эълон қилинганди. Кунча Миллий матбуот марказида гўлибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.  
Анжумани Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмухамедов кириш сўзи билан очди.  
Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси, маъзур танлов ҳайъати ҳамраиси И.Латипов, танлов ҳайъати аъзолари "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов, "Ўзбекино" ДАЖ раиси ўринбосари М.Ҳазраткулов гўлибларни қўллаб, улугга диплом, фахрий ёрлик ҳамда махсус мукофотларни топширишди.  
Мукофотларни топшириш жараёнида танловда иштирок этган Фаргона вилоятининг Дехон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси наشري бўлган "Ер ва Эл" газетаси таҳририятига алоҳида миннатдорчилик билдирилди.  
Шу ўринда икки оғиз сўз "Ер ва Эл" газетаси, хуусида. Ушбу нашр республикамиз вилоятлари орасида биринчи бўлиб

1997 йил ноябрда ташкил этилган эди. Газета жамоасининг тинимсиз елиб-югуришлари, демакки изланишлари эвазига "Ер ва Эл"нинг муштарийлари сони кун сайин ортиб бормоқда. 2000 йилдан бошлаб газета "Водий фермери" номи билан минтақадаги ўч вилоятга тарқатилиши мўлжалланаяпти. "Ер ва Эл" тармоқ газетаси бўлишига қарамадан Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури билан ўзаро фаол ҳамкорликда иш олиб бораётиди.  
Яна анжуманга қайтсак. Унда иштирок этган дерили барча гўлибар сўз олиб, танлов ташкилотчилари ва республикамиз ҳуқуқмати га ўзларининг ҳаяжон тўла сэмимий миннатдорчиликларини билдиришди.  
Тантана интихосида сўзи суйган устоз Ғайбуллоҳ ас-Салом гўлибарга бундан-да юксак ижодий парвозлар, муваффақиятлар тилаб, сўз якунида ўзига ош луфт қилди: "Журналист учун энг ёмон нарса - ялтоқлик. Сиз азиз журналистлар - ижод аҳли муқаддас Ватанимиз равақига ҳаф соладиган ва солаётган иллатларни, касаллигу камчиликларни ошқора фўш қилишда пешқадам бўлишиларингизни истардим".  
Назаримда, бу истак мамлакатимизда ижод қилаётган барча журналистларга ҳам тегишли эди.

НАСЛОҲОВ

## МУКОФОТ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Инсон ҳаётида унутилмас саналар бўлади: туғилган кун, мактаб ва ё олийгоҳга кириб ўқишга ютатгани, оила қурган, фарзандли бўлган йили, кун, ҳаётда қандайдир муваффақиятларга эришгани, хуллас яхши кундаги ширин хотиралар унинг юрагида бир умрга муҳрланиб қолади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши юзлаб хонандолар, таҳриратлар учун қўшалоқ байрамга айланиб кетди. Хурсандчиликлар ҳамкасб журналист биродарларимизга ҳам тегишли. Кечаларни бедор ўтказиб ёзилган залворли мақолалар, не-не машаққатлар билан юртимизнинг яқин-олис бурнақларидан тайёрланган сермазмун кўрсатув ва эшитириш муаллифлари халқимиз эътиборига тушди, меҳнати муносиб баҳоланди.  
Улар орасида соқоли журналистикада оқарган отахонлардан тортиб, бу серғалва ва айни пайтда қизиларли соҳага жасурлик билан кириб кел-

ган ёшлар ҳам бор.  
Қувонарли жиҳати шундаки, яқин тарихимизда илк маротаба "Мамлакатимизда амалга ошираётган ислохотларга тўғанок бўлаётган иллатларни оммавий ахборот воситаларида ЖАСУРЛИК билан фўш этишдаги хизматлари, жамиятимизда энг долзарб муаммоларни адаллик билан кўтариб чиқиб кетгани, Ватанимизнинг тинчлиги, халқимизнинг осойишталиги ва аҳиллигига раҳна солишга уриниб кўчларнинг қораниятларини рўй-рост очиб беришдаги жасорати учун" ҳамкасбларимиздан бир гуруҳи "Жасорат" медали билан тақдирланди. Демак, миллий журналистикамизнинг обрўйи, ҳуқуқматини унга бўлган эътибори кун сайин ортиб бораётипти. Бу сизу бизнинг ютуғимиздир.  
Қувончингизга биз ҳам шерикимиз, азиз ҳамкасблар! Қаламнингиз бундан-да ўткир, забонингиз бурро, нигоҳингиз янада ўтли бўлсин.  
Мукофотланган ҳамкасблар рўйқатини яна бир бор кўринг, ҳавас қилинг, азизлар!

Н.ОЧИЛОВ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикамизда фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:  
"ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН  
Ахорова Холда - Ўзбекистонда хизмат қўрган маданият ходими, публицист.  
Каримов Наним Фотхочив - Ўзбекистон Академия-

си Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудирини, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби  
Рўзиматов Ваҳоб - Ўзбекистонда хизмат қўрган маданият ходими, адабий таржимон  
Сулаймонов Исмоил - "Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат қўрган маданият ходими.  
Ҳожиева Ойдин - "Саодат" журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоира-си  
Иброхимов Абдуқаҳор - Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, ёзувчи  
Кўчимов Абдисаит - "Ўзгелерадио" компанияси раиси, Ўзбекистонда хизмат қўрган журналист  
Мансуров Мурод - ёзувчи  
Нурмухамедов Хуснидин Умарзода - "Фан ва турмуш" журнали масъул котиби  
Сандов Халим Аманович - "Маърифат" газетаси бош муҳаррири  
Шагаев Рустам Махмудович - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири  
Хайдарова Майсара Хайдаровна - Қашқадарё вилояти "Китоб тонги" газетаси муҳаррири  
Сирожиддин САЙИД, "Дўстлик" ордени соҳиб

"Хуррият" мустақил газетаси Ўзбекистон овози - "Голос Узбекистана" газеталари таҳририяти ва DEMIR ширкатлар гуруҳи ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Ўзбекистон - буюк келажак сари" танловининг гўлиби бўлди

ВАПААН ОЗОДА  
БЎЛСИН

Қуёш фалак тоқида,  
Ой ҳам фазода бўлсин.  
Нур ёғсин кеча-кундуз,  
Ватан озода бўлсин.

Ўтиб абри найсонлар,  
Дурлар тўксин осмонлар,  
Чарақласин айвонлар,  
Ватан озода бўлсин.

Шабнамларга юзингни  
Ювиб очғил кўзингни.  
Пок эт аввал ўзингни,  
Ватан озода бўлсин.

Бу дашту далалари  
Онанингни аллалари.  
Уйла тонг паллалари:  
Ватан озода бўлсин.

Майли гул, райхон ўстир,  
Ўтил-қиз, инсон ўстир.  
Авал қалб, иймон ўстир,  
Ватан озода бўлсин.

Сен шом, наҳорига бок,  
Воғу баҳорига бок,  
Имом Вухорига бок,  
Ватан озода бўлсин.

Бу дунёда гул қолар,  
Воғ қолар, булбул қолар,  
Виз кетармиз, шул қолар,  
Ватан озода бўлсин.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган барча ижодкор журналистларни, халқимизни юртимиз истиқлолининг 8 йиллиги муносабати билан сэмимий қўтлайди! Хонадонингиздан кут-барақа аримасин, азиз ҳамкасблар, азиз ватандошлар! Юртимиз осмонни ҳаммаша мусаффо бўлсин!



МАГРИБУ МАШРИК



НЕЪМАТ

Мен Ўзбекистон кураш ассоциациясининг йўлнамаси билан Саудия Арабистонига кураш федерациясини очиб учун дастлабки қалдирғоч сифатида бордим.

Мукаддас шаҳри билан қадрили саналмиш юрт. Пайгамбарлар қадами теккан улуг даргоҳ. Қуръони карим ном бўлган, поклиниш ва янгилиниш имкони берилган кутлуг диёр.

Мақкал муқаррама ҳамшағидек зиратчилар билан гаўжум. Албатта ҳаж мавсумидагидек эмас-у, аммо барибир одам кўп. Бу шаҳарга инсон боласининг қадами теккан заҳоти ҳажжон ва энтиқилар қуршовида қолиши аниқ.

барчаси шу шаҳардан тарқалади. Мақка муқаррама, Мадина мунаваррага нисбатан бир оз салқинлиги бор. Тунда сайрга чиқиш кишига алланечук фарахлик бағишлайди.

Арабистонда ҳар хил одамлар билан учрашдим, суҳбат қурдим. Бир пайтлар тақозоси билан ватандан айрилган ватандошлар билан ҳам қуришдим. Ана шулардан бири Абдурахмон ака менга шундай суҳбатни айтди:

"Иш жойим Абҳада. Абҳа Арабистоннинг энг гузалтабиат маскани. У ерда қор ҳам ёғади. Ҳамма мевалардан бор. Абҳа анжирлари, анорларини емабсиз, дунёга келмабсиз. Шуларни қўриб туриб айтманки, тўрт фасл кечадиган бу маскан жаннатнинг ердаги аксимкан, деб. Лекин... Ватан!... Она-Ватан туп-

Мана энди, она Туркистон истиқлолга эришди. Сиз кураш мусобақаси ташкил этиш илминга бу ерга келибсиз. Демакки, юрт раҳбари полвонларнинг, зиёлиларнинг, дин аҳлининг қадрига етадиган одам экан. Бу ҳам ўзбек халқининг бахти."

Озодлик, истиқлол, ҳурлик ҳақида гап бораркан, суҳбатдошларимиздан бири Сафохон ака бир ривоятни айтиб берди, уни эшитган, киши ҳурликнинг қадри-ни яна бир қарра англайди:

"Машҳур паҳлавон Рустами дoston ганимлари таъқибдан қарчағач, булардан қутулмаганча хотиржамлик йўқ экан, дея барча рақиблари бирма-бир енга бошлади. Сунгида энг бақувват, аммо энг айёри қолибди. Рустам паҳлавонни енгилмаслигини билган айёр ҳийла иш-

ЗУРАВОНЛИКНИНГ ДАВРИ ЎТДИ

Ўш учрашуви террорчиларни кўзни очишга даъват этди

МУВОЗАНАТ

Собик Иттифок ҳудудидидаги ёш мустақил Республикалар ўзларининг истиқлолга ва ҳурлик айёмларининг зур тантаналар билан нишонламоқдалар. Ўзбекистонимиз улуг ва азиздан-азиз тарихий шодённасини кенг миқёсларда энг эзу ниётлар билан байрам қилмоқда.

28 август куни Ўш шаҳрида Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларининг ташқи ишлар, муҳофаа ва зирликлари ҳамда миллий хавфсизлик хизматлари раҳбарлари нима мақсадда учрашдилар?

Қирғизистон жанубида юзага келган вазиятни бар тараф этиш мақсадида, тинчлик ўрнатилиш, тинч ҳаёт кираётган аҳолига қўмақ бериш мақсадида.

Матбуот хабарларидан яхши маълумки, бир тўда "байналмилал" каллақасарлар маҳаллий аҳоли вакиллари, раҳбарлари ва хорижий мутахассислардан-гауноҳ олиб, беғуноҳдан-беғуноҳ одамларнинг қўнғили-га қўлуволиб, халқаро миқёсда экстремистик хатти-ҳаракатлар қилишмоқда.

Масаланинг бир жиҳати ахамият берайлик: Бир тўда қуролланган оломон қимга қарши курашмоқда? Уларнинг нияти нима?

Бу саволларга улар қилаётган ишларининг ўзи жавоб бўлади. Қўлга қўрул-тутган, тинч аҳолига ағурум ўтказайтган, қимларнидир гаров-

Абдурахмон ЎЗБЕК

ЛАЗЗАТИ

Инсон бемалол йиғлаши учун ҳам озод бўлмоғи керак

Бутун бир ўтмиш, бутун бир аждодлар руҳияти юракларини ҳақиқатга йўрқақлади.

Ер ости йўлидан чиққан заҳоти Масжид ул-Ҳарам салобат тўкиб, кишига қучоқ очади. Бейхитёр кўзларга ёш қуйилади. Миллиятлар муслмонларнинг саждагоҳи саналмиш Қазбага, ундаги муқаддас тош - Ҳажар ул-Ассадга қараб юра бошлайсан.

100 қадам, 50 қадам, 40, 30... ва, ниҳоят, етиб бориб қўлинг билан ушлайсан, ичинда алланима тикилади йиғи келади, йиғлайсан. Шунда, йиғи ҳам Оллоҳнинг неъматли эканлигини билсан, шунда мутаассирликдан келган йиғи инсон учун тотли, лаззатли эканлигини англайсан.

Бемалол, эмин-эркин йиғлаш учун ҳам киши мустақил бўлиши керак экан-да, деган халғи борасан. Наники йиғлаш учун, балки ҳамма нарсада ҳам озошлик керак. Озошлик учун курашмоқ, унга эришганда эса мустақамлиги учун ҳаракат қилмоқ лозим. Кураш - ҳаётнинг мангиси. Шу боис қариялар ёшлигимизда, "қани, бир куч синишиб қуринлар-чи", деб кураш тушишга чорлашар эди. Яшашга, мардона яшашга даъват этишарди...

Мен бу диёрга миллий курашимизни тарғиб қилиш учун бордим. Саудида кураш мураббийларидан бири бизнинг кураш ҳақида ҳаяжонлиб шундай деди:

"Кураш ва курашчиларнинг тарихи 2000 йилдан ошган бўлса, жудо (дзюдо) эҳка кураши сиэларнинг боласи экан-да. Мен доим бошқалар жапон (япон)дан олади, деб юракканман. Улар ҳам ўзгаларники ўзларига мослаштириб ўзлаштирар экан-да, қаранг. Биз агар ўзбек кураши билан танишмаганимизда қунчиқар мамлакатларини илгор санаб юраверар эканмиз-да. Мана энди, ўзбек полвонлари қанақа тадбир уюштирса, чақиршиш, биз ҳар доим ҳозиримиз, бораверимиз."

Кураш залида катта-катта хонасовутгиллар бўлишига қарамай, полвонлар терга пишган. Бирортаси ҳам ҳарсиллаб қолаётгани йўқ, қарчаш нима билмайди. Бўлмаса шундай машқ қилишгаптики, уни қўриб машқ деб ҳам бўлмайди, гўё мусобақада иштирок этаётгандай.

Шом азони айтилди. Ҳамма юмушини йиғштириб, залнинг ўзиде имомнинг ортидан саф тортишди. Халғини бири мураббий, бири машҳур полвон, яна бири курашни яқиндагина бошлаган "ғур" йиғит бўлган жамоа мазкур "қобил"ларини тарқ этиб, муслмонлик неъматининг адоси учун киришдик...

Мақка муқаррамани атайлаб таъриф-таъсирини келтирмадим. Негаки, пайгамбаримиз туғилган бу шаҳар менинг таъсир-ифодаларимдан баянда, таърифига сўзим ожиз. Уни бориб, қўриб, кейингина ҳис қилиш мумкин...

Жиддан Арабистоннинг дарвозаси, дейишарди. Ер, сув, ҳаво йўлларининг



1518 5150

роғидан не-не уламо — Исмоил Бухорий, Замаҳшарий, Термизий, Бурҳониддин Марғилоний каби аждодларимиз етишиб чиққан. Биз уларнинг меросига ворислик қилиш учун ҳар жаҳада улгарга муносиб авлод бўлиб яшамогимиз шарт.

Улардан ўрнатилмиш, улардан илҳомланишимиз лозим. Мен ҳам Мир Алишер ҳазратларининг асарларидан таъсирланиб, баъзан шеър битиб тураман. Таассуфки, ижод намуналарини иш жойида қолган эди. Аллоҳ насиб этса, яна келсангиз, сизни ҳам, бошқа азиз-юртдошларини ҳам улардан баҳраманд қилиш бахтига мушарраф бўларман...

Қизгин суҳбатларнинг бирида исми ёдимдан қутарилган бир ҳамюртимиз дилдагиларини шу суҳбатда ифода қилди:

"Юртинг номусини ҳимоя қиладиганлар — эр йиғитлар, полвонлар. Полвон бор элнинг боши эгилмайди. Аммо уларнинг қадрига халқ етмаса, юрт раҳбарни ҳифзу ҳимоясига олмаса, юртинг хароботи муқаррардир. Биз билан ватанин тарқ этганлар Туркистоннинг асл ўғлонлари эдилар. Она тупроқни, азиз оилаларни, қилдик қони тўқилган юртларини ташлаб чиққанларнинг бутун ҳаёти Туркистон билан ҳамбарчас боғланган эди. Аммо муҳожирлик уларнинг ҳимоясизлиги тўғрисида қорқонлар, дарёдан олиб ўтадиган мешқобчилар, ғрилар, қисаворлар, яна қандайдир қазоблар, йўл азоби қанчасининг умрига эомин бўлди. Шунчалик жабру жафодан омон қолганлар бизлар бўлдик. Одамзод ҳар қанча азоба чидаркан, деб ўйлаб қолман ҳоҳида.

Бизнинг Ватанга муҳаббатимиз шунчалик зўр экани, Афғонистонга ўтганимиздан сўнг бизга ўша ерининг фуқаролигини, ер беришмоқчи бўлишди. Биз барчасини рад этдик, яқинда юртимизга қайтамиз, дедик. Чунки Ватанга қайтиш умдимиз кучли эди. Бирок ўша пайтнинг сиёсати, талотўллари бошимизга бало бўлди.


латибди. Катта чоқ қаздириб, ўткир, учли найзаларни ўрнатибди, устига шох-шаба, ўт-ўлан епиб қўйибди. Жанг пайтида Рустамни ўша чоқ устидан ўтказишга эришибди. Рустамнинг оти чоқ устидан сакраётиб, пастга қулабди. Жисмини найзалар тилка-тилка қилган паҳлавонни чўқурдан олиб чиқишди. Ярадор шердай жон талвасасида ётган Рустам талвасида мағрур турган рақибига қараб: "Ҳақиқатан сен зўр чиқдинг. Энди менин сўнги ўтинчим — ўлимим қарға-қузаунларга ем бўлмасин. Навқабларим қовиб-тараб қўймасин. Яна илтимосим, камоним билан ўқдоним менга умрим бўйи панд бермади, энди ҳам, сўнги лажаларда ёнимда бўлса", деди. Рақиб ҳам "сўнги илтимосини бажарсам-бажарибман-да", дея камон билан ўқдонин Рустамга узатибди. Паҳлавон эса камони қўлга теккани ҳамон уни ўқлабди. Унинг ниётини пайқанган рақиб қочиб, бир дарахтнинг орқасига бекинибди. Паҳлавон Рустам эса бор қучини тўплаб, ўқ узибди. Отилган ўқ дарахтни ҳам тешиб ўтиб, рақибнинг қўсига санчилиб, уни халок қилган экан. Шунда Рустами дoston эркин тин олиб: "Никоҳат ганимлардан қуртдим. Энди жон таслим қилгунимга қолган бир лаҳза ҳаётим менин овоз умрим", деган экан.

Жонаҳон Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг ҳам овоз ҳаёти истиқлолдан кейин бошланди. Чин умр энди абадий давом этамак...

Шаҳарлар, одамлар, қўчалар, йўллар, дарахтлар, сувлар, майин-майин экинлар нақадар тароватли, нақадар ҳовиб, Жонни садақ этгудек суҳбатлар, айқаш-уйқаш тақдирлар, курашлар — барча-барчаси англамоққа, ўзини танимоққа йўл. Узини танингандан кейингина хурликин билсан, эмин-эркинлик лаззатини туясан киши.

Турсун АЛИ МУҲАММАД

НАФСИНГ - УЛОВИНГ ДИР!



Ислол шахсининг қонил, етук, илмли, нафси тарбияланган бўлиши мақсад этади. Нафс нима? - Инсоннинг ўз меңлиги... Фақат у тарбия қилинмаса, энг асосий душман сифатидадир. Пайгамбаримиз (САВ) урушдан қайтган бир гуруҳга: "Энди қичик жиҳоддан катта жиҳодга келдинглар. Қишининг ўз нафси билан кураши - катта жиҳоддир. Марҳамат, у сиэларни кутмоқда", дедилар. Яъни, нафсини енгил, оруз-истакларга ҳоким бўлиши учун кураш энг катта муқодала экан!

Инсон нафси аслида кераксиз нарса ҳам эмас. Пайгамбаримиз (САВ): "Нафсинг уловингдир. Унга ўшмоқ муомалада бўл, қўполлик қилма!", деганлар.

Нафсинг галати бор ҳусусияти бор. Истаги қондирилганда таскин топиш ўрнига иштахаси янада очилиб, орзулари қучайиб бораверади. Егани сайин очқўзлиги, ухлагани сайин дангасалиги ортиб, ич қилмай қўяди, пул топса қадар ҳам ошадди, қўзини тупроқ тўлдирганга ҳайрат тўймайди.

Одобсиэлик (фахш) бобида ҳам маэкур қонунқондалар амал қилди. Фахш истига қондирилганда - қутуради, уйкудги илон шаклидан етти бошли аждаҳога айланади. Усириларни йўлдан адаштириб, қизларни уйдан чиқариб фоҳишага айлантиради. Оишларнинг тинчлини бузади, жамиятларни тубанлаштириди, шаҳарларни ер билан яқсон қилади, насилларни қуритади, қавмларни Оллоҳнинг қаҳрига учратиб, ҳалок этади.

Ҳар бир шахс ўз нафсини тарбияламоғи лозим: халқ оммаси ҳам, зиёлилар ҳам, зоҳирӣ ва юзаки диний таҳсил олганлар ҳам бунга муҳтождирлар. Кўпроқ давлат раҳбарияти, халққа хизмат қилувчилар нафс тарбиясига муҳтождирлар. Чунки уларнинг хомилиги, ахлоқсизлиги, инжиқликлари ўзларигагина эмас, балки бутун миллат ва умматга қалта маънавий-моддий зарар келтиради...

Маҳмуд Асвад ЖУШОН

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

У ҳақда нимага биламиз?

ўша пайтданок алоҳида давлат қўринишда киритилган, деган савол туғилиши табиий. Хар тинчи ишлаб чиқиш пайтидаги музокараларда Буюк Британиянинг собик мустамлакалари бўлган Канада, Австралия ва Янги Зеландия алоҳида давлат сифатида иштирок этишарди. Узини қучли рақиб қилиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган мустақил СССР эса собик мустамлака ва ярим мустамлака давлатлар томонидан БМТ Хартияси алоҳида давлат сифатида имзоланиши ўзининг манфаатларига пўтур етказди, деб ҳисоблайди. Шу тарихи, муҳим масалалар юзасидан овоз бериш пайтида узини қўллаб-қувватловчи қўшимча овозларга эга бўлиш мақсадида Украина ва Белорусияни БМТ аъзолигига қабул қилдиради. Бу эса Иттифок тарихидаги Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ёки Гуржистон каби бошқа республикалар ҳуқуқини тўғридан-тўғри қамситиш эди.

БМТга нехта давлат аъзо, деган саволнига ҳалокас, шу йилининг бошида уларнинг сони 185 та эди. Август охирига келиб, 186 тага етди. Тинч океанидаги қичкич бир орол давлати БМТ БШ Ассамблеясида маэкур ташкилотга аъзо қилиб олинди. Сўнги ўн йил ичинда Микронезия, Полинезия каби қички орол давлатлари БМТ аъзоси бўлди. Утмишда мустамлака ва ярим мустамлака бўлиб, кейинчалик давлат мустақилигига эришган аъзоларнинг сони 96 та. БМТ мустам-

лакчиликка қарши сабот билан кураш олиб борган ҳужжатлар тақдимоти ҳисобланади.

— Қандай ҳуқуқий ҳужжатлар БМТнинг асосий ҳужжатлари ҳисобланади?

— БМТ БШ Ассамблеясида барча аъзо давлат вакиллари иштирокида резолюциялар қабул қилинади ва улар ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қабул қилинган ҳужжатлар асосида Ташлим ўн йиллиги, Бошлар ўн йиллиги каби тадбирлар ўтказилади ва ҳоказо. Бундан ташқари, Хавфсизлик Кенгаши сиёсий жараянлар бўйича қарорлар қабул қилади. БМТ БШ Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг қарорлари ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида эътироф этилади. Турли декларациялар, статуслар, конвенциялар ва ҳужжатларни қабул қилиш механизми йўлга қўйилган. Қўллаб қабул қилинган конвенциялар халқаро ҳаво йўллари, радио тўқинлари, пошта таърифлари, эпидемиология чорғидар ҳаракатлар ва давлатлар ўртасидаги хилма-хил муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

— БМТ томонидан дастлабки йилларда қабул қилинган ҳужжатларини санаб ўтсангиз.

— Биринчи ҳужжат БМТ Хартияси бўлиб, у жудаям пўхта ёзилган ҳужжат ҳисобланади ва БМТ ўз фаолиятини шу Хартия асосида олиб боради. Кейин Халқаро қоллар бўйича ҳужжат ва Инсон ҳуқуқлари конвенцияси қабул қилинган. Халқаро муносабатларни тартибга солу-

чи миғлаб ҳужжатлар мавқуд-Хозир биз халқаро уюшган жинотчиликка қарши кураш конвенцияси лойиҳаси устида ишлаяёмиз. Наркотик моддалар бўйича 3 та конвенция мавқуд. Денгизчилик, атроф-муҳит, умуман, инсон фаолияти билан боғлиқ барча соҳалар бўйича конвенциялар мавқуд бўлиб, уларда келишмовчиликларни уруш-жанжалларсиз, тинч йўл билан баҳарлаф қилиш йўллари кўрсатилган.

— Агар БМТ аъзоси бўлган бирон-бир давлат БМТнинг ҳуқуқий ҳужжатларини ёки қарорларини тан олмаса нима бўлади?

— Ҳа, сиз айтётган ҳолатлар содир бўлиб туради. Масалан, Ироққа нисбатан жазо чоралари қўлланилди, чунки Ироқ раҳбарияти ядро қуроллари ишлаб чиқарилишини назорат қилувчи инспекторларни текшириш ўтказиш учун объектларга киритмаган эди. БМТ томонидан иқтисодий ва ҳарбий жазо чоралари қўлланиши мумкин. Бундай чоралар Хавфсизлик Кенгашининг санкцияси билан амалга оширилади ва ўша давлатни халқаро ҳуқуқ нормалари ҳурмат қилишга мажбурлов чораси ҳисобланади.

— Савийни суҳбатингиз учун қатна раҳмат.

— Фурсатдан фойдаланган, Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрамининг 8 йиллиги билан чин қалбдан табриқлайман.

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ суҳбатлашди

UNFPAнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

Газетанинг шу йил 28-сонида "Савол-жавоб" руқни остида UNFPA — БМТнинг аҳолишунослиги бўйича жағгармаси ҳақида маълумот берган эдингиз. Жағгармининг Ўзбекистонда ваколатхонаси борми? Бўлса қерда жойлашган?

А.А.СУПОВ

Самарқанд тумани

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик жағгармаси (UNFPA - United Nations Population Fund)нинг Ўзбекистонда ҳам ваколатхонаси мавқуд. У қуйидаги манзилда жойлашган:

700090, Ўзбекистон, Тошкент ш., Маҳмуд Торобий кўчаси 14, Телефон: 120-68-96 Факс: 120-68-97 E mail: ofise@unfpa.бoc.com.uz

СУҲБАТ

— Жаноб Лисович, Иккинчи жаҳон уруши туғандан бир неча ой ўтган, яъни 1945 йилда БМТни ташкил қилишдан қўзланган асосий мақсад нима эди?

— Инсоният тарихидаги Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари бўлиб ўтган давр ичинда турли давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишчи халқаро ҳуқуқий механизм мавқуд бўлган. Бу эса давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг чиғаллашишига ва қонли урушлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Иккинчи жаҳон уруши туғандан, турли давлатлар анд шундай ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилувчи халқаро ташкилот тузиш ҳаракатларини бошладилар. Чунки дунёда асплар давомиде давом этиб келган тушунмовчиликлар, фитналар, урушлар қўллаб қишиларнинг бошлансиз қилиниши олиб келарди. 1- ва 2-жаҳон урушлари ҳам шундай натижаларга олиб келганди. Бундай ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида БМТ тузилди.

— Янги мустақил давлатлар нима учун БМТга аъзо бўлишга интилишарди?

— БМТга аъзо бўлиш — бу янги мустақил давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниси, демокдир. Шунинг учун дунёдаги ҳар бир давлат БМТ аъзолигига интилади. Бу ерда атиги биттагина истисно бор. Дунёда ўзининг бетарафлиги билан ном қозongan Швейцария давлати БМТга аъзо эмас. Швейцария аҳолиси мамлакатда ўтказилган референдумда мамлакатнинг БМТга аъзо бўлишига қарши овоз берган ва бетараф давлат маконини сақлаб келмоқда. Шунга қарамай, Швейцария БМТга ва унинг турли соҳаларини ривожлантиришга қаратилган дастурларига ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқда. БМТга аъзо эмаслигига қарамасдан, Швейцария мустақил давлат сифатида эътироф этилди.

— Хозирги пайтда дунёда қанча мамлакат мавқуд ва уларнинг нечаси БМТ аъзоси ҳисобланади?

— Аслида 1945 йилда БМТни таъсис этиш пайтида асосий ҳужжат ҳисобланган БМТ Хартияси 51 та давлат томонидан имзоланган. Булар асосан Оврупа ва Жанубий Америка мамлакатлари ҳамда собиқ Совет Иттифок эди. Юқоридаги 51 та давлат ичинда Украина ва Белорусия ҳам бор. Нима учун улар

Богдан Владимирович ЛИСОВИЧ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги вакили лавозимда ишлабди. Жаноб Лисович билан суҳбатимиз БМТнинг ташкил топиши ва фаолияти, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни борасида бўлди.

Раъфат АС-САБЪА, Миср Араб элчиҳонасининг Ўзбекистондаги элчиҳонаси матбуот шў'баси раиси

... Ҳз тарихидан руҳий қувват олган халқни энги бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.

Ислом ҚАРИМОВ

ЭССЕ

Ун саккиз минг оламнинг Буюк Ижодкорига беҳад ҳамду сановлар бўлсин. Икки олам сарвари Мухаммад алайҳиссалом Бухоро...

олам! Сайёҳ Вамбери - Ҳожи Рашид Афанди Амир Музаффар хузурда ана шу тахлит дил сўзларини баён қилади...

Бу дилтортар воқеанинг содир бўлганига қарий 138 йил бўлди. Мустақиллик боис юртимизда фақатла муқаббат ётган тарих уйғонди...

Асл ота юртлари қадимий Туркистон бўлган венгерлар - можорлар азалдан буюк оламни қурган, бироқ Бухоро...

Бухороий шарифнинг шариф салотики каминани бугун шу муқаддас заминга бошлаб келди:

Ассалом, эй шаҳарлар Онаси!

Ассалом, эй гавҳари

МОЗИИДАН ЁҒДУ

"Бўлсак эрдик кошки бизлар ҳам Бухородин..."

таси, турк муҳлиси деб ҳам гумон қилишган. Бироқ у ким бўлмасин, йигирма тил соҳиби, буюк иқтидор эгаси, улкан олим, ислом илмининг беназир билимдони...

Энг қизиғи, муаррихларнинг шохиди, Амир билан сайёҳ ўртасида бўлиб ўтган ҳазил-мутойиба ҳам Туркистон пиру комилларини меҳмон тарафидан тўла эътироф эттиш ила яқун топади.

Ие, тақсир, бу оқсоқ оёқ билан дунёнинг нари бурчида юртимизга қандай қилиб етиб келдингиз? - дейди қилиб. - Илло-билло, хайрон қолдим бу журъату жасоратингизга.

Вазиру-вузарола амиринг ўринлида туюлган бу ҳазилдан завқ қилиб қулишад.

Тасанно, амирим! - дея анчагача иззат тугиб туради меҳмон. - Густоҳлигим учун сиздан минг бора ҳур сўзайман, амирим. Бобоқалоннингиз Амир Темур хазратлари, оқсоқ оёқлари билан етти иқлим тахтини тебратганлар, хазил-мутойиба, шакарғуфторлик бўлиб ўтади.

Сайёҳ Амирга ёқиб қолди. Манбаларга кура, Ҳожи Рашид Афанди Амир Музаффар қаршида Бухорони шундай таърифлайди:

Бухоро шаҳарларнинг бешак улугидир. Бухоро ислом дунёсининг буюк Рими, Қуддус Бухоро олдига шунчаки бир шамчирик, тақсир!

Ушунда сўхбатда хозир бўлган фозилу фузалар,

сарой ақобирлари сайёҳга тахсинлар айтишган. Нақл қилинишича, Амир Музаффар Вамбери Ҳожи Рашид Афандига зардўзи тўн ёпади.

Ана шундан кейин амирлик тизимидан бундан олдин ҳеч қачон содир бўлмаган ажиб бир ҳодиса юз берди. Амир Музаффар Ҳожи Рашид Афандининг хозиржавоблиги ва билагонлигига қойил қилиб, қабул маросимидан меҳмонга устамуст икки марта саруло ва кимматбахо совғалар, ўзи шикорга минадиган тулпорини инъом этди.

Вамбери - Ҳожи Рашид Афандининг Бухороий шарифи шайхига атаб битган нури ва қутли битиклари, туркий халқлар ҳаёти ва исломга доир йигирмадан ортик илмий, адабий, сиёсий-тарихий асарлари халихануз ўз қад-қимматини йўқотган эмас. Каминани бу захматқаш сайёҳ китобларини ҳар қил ўқиганимда юртим ва юртдошларим ҳақидаги таъриф-тахсинларидан беҳад тўқилганим кетаман.

Буюр юртимизда салоятли, етук, барқамол, энгилмас саркарда ва султонлар етишиб чиқадилари, - деб ёзади Вамбери, - агар уш афсонавий Рустами Достон хозир тирик бўлганида эди,

туркистонлик бу султонлар миниб юрган отларига бор-йўғи сайислик қилишга яради, холос.

Илм дарахтининг асоси Маккада-ю, аммо ҳосили Урта Осиё маркази - Бухороий шарифда пишади.

Нақибандия тарикатининг асосчиси Шайх Баҳоуддин Амир Темур замонда яшаб, 1389 йилда вафот этди, - дея қайд этиб ўтади олим. - Бу пиру комил ўша замонда Бухоронинг миллий авлиёларидан эди. Унинг мақбарасини уч марта бориб зиёрат қилишлик узоқдаги Қайбага ҳаж қилиш билан баробар саналади.

Сафарда чеккан захматларим зое кетмасин учун Бухоро ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот жамлашга аҳд қилдим. Қизиги шундаки, бухороликлар мадраса қадрини нон қадар банд тутишар экан. Бухорода 360 масжид, 80 мадраса бор. Мадрасаларда 5 минг талаба сабоқ олишди.

Ҳожи Рашид Афанди Бухоро халқининг кўп таомилларини, урф-одатларини ўрганди, ҳатто қишлоқ хужалиқ турмушини афзалликларига ҳам қизиқди. Олимнинг йўл хотираларида қолган мана бу қайд ва таъкидларга бир эътибор қилинг:

Бухоро бугунги сифатли, узун ва ингичка, тилло рангда товланиб туради. "Ширмой" номи билан машҳурдир. Бухоро пахтасининг ҳақон микёсидаги бозоригирига гап йўқ.

Бухорода гурунж мўл,

Аҳад ҲАСАН

жўҳори бисёр, кунжик кўп экилади. Овқатга эгир мойи, патирга чигит мойи ишлатилади. Бухоро патиридан бир тўйиб есангиз, мазаси бир умр озингиздан кетмайди. Шаҳар дўқонларида 16 хил чой бор. Чойларки, бирам покиза, бирам тотли, мен билан келган сайёҳлар хуржунларини тўлғозиб, аллақачон туяларга ортадилар...

Ун саккиз кундан кейин сайёҳ Бухорони тарк этди. Жунар кунни можорлик меҳмон қайта қириш имкони бўлмагани боис Амир Музаффарга миннатдорчилик мактуби қолдирди. Мактуб оташнафас Машрабнинг қайноқ бир мисра шеъри билан яқун топан:

"Бўлсак эрдик кошки бизлар ҳам Бухородин..."

Бу ички хитоб фақат Машрабникигина эмас, Ҳожи Рашид Афандиники ҳам эди. Машраб: "Минг маъини бир нукта била мухтасар этдим" деганига ўхшаб, Вамбери ҳам Бухороий шарифга бўлган меҳр-муҳаббатини, интиқлигини буюк шоир сўзи билан баён этган қўриқнади:

"Бўлсак эрдик кошки бизлар ҳам Бухородин..."

Ешлигини жасоратга, кексалигини нурунйиликка беэзаб, дунё кезган Герман Вамбери - Ҳожи Рашид Афандининг нури қаламидан тўқилган ва бизни мозийдан боҳабар этаётган китоблари Мустақил мамлакатимизнинг мустақил фуқароларида ҳаммашраф-иштихор туйғусини уйғотишига аминман.

Шофирқон

ХУРРИЯТ СПОРТ

ТЕННИСНИ БОЛАПАР БМТ КУБОГИ УЧУН

Куни кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қошида сентябрь ойининг 8-12-кунлари давомида республикамизда ўтказилиши мўлжалланган болалар ўртасида теннис бўйича БМТ кубоги мусобақаларига бағишланган матбуот аюкүмани бўлиб ўтди.

Мусобақаларнинг ташкилотчилари БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Республика Теннис Федерацияси бўлиб, бундай спорт бешлашуви жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотли бўлган БМТнинг ваколатхонаси томонидан болалар спортини бўйича ташкил этилган биринчи тадбир бўлди.

Республика микёсида ўтказилган мазкур теннис мусобақаларида 13 ёшдан то 16 ёшга қадар бўлган 64 нафар қизлар ва ўғил болалар қатнашиши мумкин. Бу 64 та теннисчилар аввал ўтказилган қатор талов турнирларидан саралаб олинди. Турнир қўлиб-туруш учун 4 та асосий ва яна бир нента рабатлантувчи мусобақалар белгиланган. Булар - асосий ўринлар учун БМТ ваколатхонаси томонидан тайёрланган махсус кубоклар ва "Пен-тум-2" русумли персонал компьютерлар, рабатлантувчи мусобақалар учун турнир ҳомийлари томонидан тақдим этилган махсус совғалардан иборат. Турнирга эса Ўзбекистон ташкилотидеги миллий банки, Япониянинг "НЕК" компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, "Бузон", "Найтов" қўша корхоналари, "Нестле" фирмаси ва шунингдек, БМТнинг бир қатор агентликлар ҳомийлик қилишадиган бўлди.

БМТ кубоги учун бўладиган болалар ўртасидаги бу нуфузли теннис мусобақасини ўтказишдан асосий мақсад, республикамизда борган сари амаллаш-шам бўраётган теннис спортини ёшлар ўртасида кенгайтириш ва яқин кунларда ўтказилиши кутилаётган Президент кубоги мусобақалари олдидан спорт ихлосмандларини юртимизнинг бўлуғи теннис юлдузлари билан таништиришдан иборат.

БАРНО

"ПАЦИО" КУЧЛИПАР КУЧЛИСИ

Шов-шуварга бурканаётган "хўна қитъа" футболли дунё аҳлини яна бир қарра хайрат қўчасига етаклаган бўлса ажабмас. Суперкубок деб ном олган мусобақа Европа кучлилар кучлисини аниқлаб бериши футбол муҳлисларига маълум. Утган йилги чемпионлар лигаси голлиби Манчестер Юнайтед (Англия) - Лацио (Италия), яъни кубок эгалари кубоги голлиби билан кўч ойнашиб, ҳақиқий чемпион ким эканлигини исботлаш учун майдонга саф тортиди.

"Кизил аждаҳолар" Италия кичик жаҳон чемпионатида тўп сураётган "Лацио"ни мағлуб этишга қанчалик ошқинмасин, ҳисоб барибир римликлар тарафидан очилди. 35-дақиқада Марсело Салас "Лацио"ни олдинга олиб чиқилиши ҳеч қил кутмаган бўлса керак. "Ер теки, тўп думалоқ", деганлари шу бўла керак-да.

Бирок биринчи бўлим охиригача ҳисоб ўзгармади. Танафусдан сўнг яшил майдонга тушган жамолар янада кескин ва муросаз курашди. Бироқ 35-дақиқада Марсело Салас томонидан киритилган гол ўйин тақдирини ҳал қилди.

Шундай қилиб, "Лацио" Европа кучлилар кучлиси эканлигини исботлади. Италияликлар Англия чемпионидан қасос олиши ана шу тарзда нишонлашди. Сабаби, чемпионлар лигаси чорак финалида "Интер", ярим финалда "Ювентус" "МЮ" томонидан "нокаут"га учратилганди. "Лацио" ҳамюртлари аламини муҳим учрашувда олишга улгуриб "Скуадра Адзура"нинг Европада тенгсиз эканлигини исботлади.

Европада чемпионлар лигаси голлибининг кубок эгалари кубоги голлибига энгиллиши одатга айланган, шекли, 1996 йилги Суперкубок баҳсида Дортмунд "Баруссия" (Германия) "Баселона" (Испания)га ютқазганди. Бир йил ўтиб бу савдо кирол жамоа "Реал" (Испания) бошига тушди. Акрини сўнгидеги Суперкубок баҳсида ҳам чемпионлар лигаси голлиби "МЮ" - Лацио томонидан ажойиб тарзда язаюланди.


Ажабланирли жойи шундаки, Европанинг тўртта давлати ҳам бу шармандаликдан қулоқламади. Италияда "Милан"нинг "Парма"га, Испанияда "Барселона"нинг, Англияда "МЮ"нинг, Германияда "Бавария"нинг кубок эгалари кубоги голлибларга энгиллиши Европа аҳлини ҳамон ажаблантираётган бўлса керак.

Шухрат ТОҶИБЕВ

ДИЛНАЗ ҲУЛИМА

Мустақилман, бироқ элнинг қулиман. Манманликдан йироқ дилнинг қулиман. Яссавийдан мерос қадим оҳанглар Аллалаган туркий тилнинг қулиман. Юртим, минг йилларга татир кунларинг, Қадр кечасидир ҳар бир тунаринг, Наволаринг - боқий, кетди мунглинги, Лаҳзага жў бўлган йилнинг қулиман. Дўст дийдори ташрифнинг мурдабайи, Ширинсухан энг биринчи худойи, Кўнгил мудом ширин сўзинг гадоий, "Кет!" деса - бадарман, "Кел"нинг қулиман. Қайс қисматин манглайимга битгандай, Севги деса, танглай қуйиб кетгандай, Гафур Фулом айтиб ўтиб кетгандай. "Милёнлардан қолган тул"нинг қулиман. Тўғри сўз тешулик, тўғроқ бўлса ҳам, Ҳаққа бошим эгэй - тўғроқ бўлса ҳам, Уйдим-чүкүр, қай сўмоқ, бўлса ҳам, Камолотга элтар йўлнинг қулиман. Мустақилман, бироқ элнинг қулиман!..

Оллоёр БЕГАЛИЕВ, "Шухрат" медалли совриндори



Нигоҳ...

ЭЛИМ

Гулбоғ элим, бўстон элим, Шон-шухрати достон элим. Қадри тоза амом элим - Дунё кўрдим элим билан. Широк ўтган аждоимда, Темур руҳи бунёдима. Бобур гаҳи ҳам ёдимда... Келдим нури йўлим билан. Меҳнат қилиб шому сахар, Оқ кийдириб, ўрадинг зар. Булут келса бошингга гар - Сургум икки қўлим билан. Юртдан дуо олган бойдир, Дарёсану меҳрим сойдир. Сенга мафтун кўнглим Ойдир, Айро тушам кўнглим билан. Карвонга бир "ҳай"ман, элим, Томиринга пайман, элим. Хизматингга шайман, элим - Бир бошга бир ўлим билан...

Бобур БОБОМУРОД

БИР ЁШЛИ "АФАНДИ"М

"Афанди" газетаси чика бошлаганига роппароса бир йил тўлди! Газета ўз ўқувчиларини топди, минглаб қулги ва қаҳқаҳа муҳлислари газетанинг ҳар сонини ҳўмрайиб кутиб, уни қўлга олгачи илжайиб, табассум улашиб юришибди. "Афанди"нинг КЕРАКЛИГИ ВА ЗАРУРЛИГИ шундай!..

"Афанди"нинг фаол муаллифларидан Раҳимжон Дарвишев "Хуррият"нинг махсус байрам сони учун битта "янги"дан айтиб берди.

Бир боқиманда ялқов-дангаса, қачон қараса оёғини осмондан қилиб, ёнбошла-аб ётгани-ётган экан. Маҳалла отахонларидан бири тепасига кириб насиҳат қилдибди.

- А, бу, ука, бундо-оқ одамларга ўхшаб ишласанг бўлмайдингиз? - Ишлаб нима қиламан? - Ишлаб, мол-дунё орттирасан. - Хўш, мол-дунё орттириб нима қиламан? - Уйланасан, бола-чақа орттирасан. - Хўш, кейин нима қиламан? - Бола-чақангни уйлантирасан, неварачеварали бўласан. - Хўш, ундан кейин нима қиламан? - Атрофинг тўла бола-чақа, неварачевара, мазза қилиб дўппингни деб тиржайибди танбал йигит, рингизни қилмасан ҳам мана, ман-ку, мазза қилиб, нима қилаш-уңча бошимни қотириб?!

ҲАЗИЛ

УҒРИ - Уғри қоронги кечада бир фақир кишининг уйига кириб ҳамма ёқни тибиб чикди, лекин олди кетишга арзиғулик бирон нарса тополмади. Ҳеч нарса ололмаган ўғри ноилоҳ уйдан чиқиб кета бошлади. Шунда бир чекада уни кузатиб ётган ўй эгаси: "Қиқаётиб, эшикни ёпиб кетарсан", - деб овоз қилди.

Уйингиздан қўлга илнадиган нарса тополмаганим учун менга иш буряясизми? - деди ўғри бунга жавобан.

СУРБЕТ

Бир сурбет киши бир неча одамнинг овқатлиниб ўтирганни қуриб қолди ва "мени ҳам овқатга таклиф қилишармикан" деган

ЖУРНАЛИСТНИНГ ЎҒЛИ ЖУРНАЛИСТ БЎЛМОҚЧИ



Олий ўқув юртларига ҳужжат топширган абитуриентларнинг тест оинови натижалари эълон қилинди. Кимнингдир хурсандчиликдан озининг таноби қонган, яна кимнингдир қиёфа сони тунд, ёнига боришга юрагинг бетламайди. Шундай кунларда Ўзбекистон Республикасида хизмат қўраётган журналист Махмуд Саъдийнинг қайфи чоғ: ўғли ўқишга кирган. Газетачилар уйда кўнглига яқин олган кишини учратса, албатта, шундай айтиб қўюнади.

Жамшид Саъдинов шу йили Республика нафис санъат лицейининг санъатшунослик бўлимини тугатиб, Жаҳон тиллари университетида янги ташкил этилган халқаро журналистика факультетига ҳужжат топширди. Омадиди, авлодлар қондан ўтган зукколикми (иккинчиси ҳақиқатга яқин) сабаб бўлиб, энг юқори - 265,6 балл (кириш бали 190,3) тўплаб, талабалик бахтига мўрсаб бўлди.

Жамшид ижодий имтиҳонда тўплаган балларида "Оила ва жамият", "Мазрифат", "Миллий тикланиш", "Туркистон" каби газеталар билан бир қаторда "Хуррият"нинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланади.

С.УТЕУЛИЕВ

ЎАМКАСҲАНИЧТ БОШИ ИККИ БЎЛДИ

Юртимиз истиқлолнинг 8 йиллик тўйи арафасида оғла қўрган ҳамкасбларимиз

Махмуд Бовназаров - "Жаҳон" АА муҳаббасисси - Жамшид Дўстмуҳамедов - "Жаҳон" АА муҳаббасисси - Қажрамон Жамолов - УТВ "Аҳборот" бош таҳририяти муҳбири - Шавкам Зўраоров - "Спорт", Ўзбекистон футбол" газеталари фотомуҳбири - Милоҳат Минъоева - "Ўзбекистон овози" газетаси муҳбири - Абдуғаффор Омонбоев - "Фидокор" газетаси муҳбири - Азиза Ғойилова - "Ўзбекистон овози" газетаси муҳбири - Ҳақимжон Расулов - Ўзбекистон радиоси муҳаббасисси - Жаҳонгир Тўйболаев - Кўч нуҳоли "Табвотинома" газетаси бош муҳаббасисси - Ловбар Қўқорова - "Халқ сўзи" газетаси муҳаббасисси - Умид Қурбонбоев - "Жаҳон" АА муҳаббасисси - Нилуфар Жамолова - Ўзбекистон радиоси хорижий мамлакатларга радиожамиятчилар воқеамаси муҳаббасисси - Фарҳод Ҳожиёв - Ўзбекистон радиоси муҳаббасисси - Абдураҳмон Ташанов - "Хуррият" газетасининг

масъул қотиби - Нораил Оқилов - "Хуррият" газетасининг бош муҳаббасисси - Биз юқорига номлари зикр этилган ва зикр этилмаган истиқлолнинг тўйи олдидан оғла қўрган борча-барча ўш ҳамкасбларимизни қин дидан муворабод этамиз. Ёшларимиз гоило ширин-ширин таъбишлар сўғинида ёришсин, ўларнинг хонадонларига халқимизнинг ёшларимизни қин дидан муворабод этамиз. Ёшларимиз гоило ширин-ширин таъбишлар сўғинида ёришсин, ўларнинг хонадонларига халқимизнинг ёшларимизни қин дидан муворабод этамиз. Ёшларимиз гоило ширин-ширин таъбишлар сўғинида ёришсин, ўларнинг хонадонларига халқимизнинг ёшларимизни қин дидан муворабод этамиз.

F.КОМРОН

ЖОНИМАР ВА ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон Оммавий аҳборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг "Хуррият Нури" шўъба корхонаси "С.Т.С. "Уммо" хусусий фирмаси билан ҳамкорликда, "Хуррият" газетаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги муносабати билан аҳолига қимомий тарбия-соғломлаштириш хайрия хизматларини қўраётган. Биз бунда махсус ишлаб чиқилган усул ва массаж ёрдамида болалар ва усмирларнинг умуртқа поғонаси қийшайишини даволаймиз. Қаддини тик тутушни таъминлаймиз. "Сколпоз" хасталигига шифо берамиз. Бизнинг муассасамизга ташриф буюрувчи вояга етмаган болалар ота-оналари ёки яқинлари ҳаморқида келишларни керак.

Дочернее предприятие общественно-поптического фонда демократизации и поддержки СМН РУЗ ДП "Хуррият-Нури" совместно с ЧФ "С.Т.С. "Уммо" при поддержке редакции газеты "Хуррият" в связи с 8-летним годовщиной независимости Республики Узбекистан организуют благотворительные физкультурно-оздоровительные услуги населению по восстановлению и правильному функционированию детского и юношеского скелета, осанки и искривления позвоночника на основе специально разработанной методики и массажа. Руководителей спортивных, детских и юношеских учреждений приглашаем на благотворительные услуги и консультации по Вашим официальным заявкам и спискам на детей, нуждающихся в улучшении здоровья. Все желающие посетите наше учреждение несовершеннолетние принимаются в сопровождении родителей или взрослых членов семьи.

Қабул ҳар кун иккундан ташқари соат 9.00 дан 13.00 гача. Манзилнинг: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси Б-1, 2-уй, 8-секция. "С.Т.С. "Уммо" шўъба корхонасининг жамоний тарбия-соғломлаштириш маркази

Приним производится с 9.00 час. до 13.00 часов ежедневно, кроме воскресенья, по адресу: г.Ташкент, ул.Беруний Б-1, дом.2, секц.8. Специализированный физкультурно-оздоровительный центр - фирма ЧФ "С.Т.С. "УММО"